

Муаллиф:

28.12.2020 07:44 - Янгиланди 18.07.2024 12:43

---



1926-27 йилларда бошланган “Хужум” кампанияси аёллар ўртасида саводсизликни бартараф этиш билан бирга асрлар давомида давом этиб келган миллий урф-одат ва анъаналарни ҳам инсонлар онгидан олиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Кампания Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа қўшни минтакаларда кенг фаолият олиб бориб, аёлларни кечки мактабларга, саводхонлик курслари ва тўғаракаларга жалб этиш билан бирга янгича фикрлаш ва янгича ҳаёт тарзига ташвиқот қила бошлади. 1926-27 йиллардан бошлаб, аёллар кенг миқёсда ишлаб чиқариш ва саноатнинг барча соҳаларига жалб қилина бошладилар. Бу, аввало, “Хужум” ва худосизлар компанияларининг фаолиятлари билан боғлиқ эди. Бир томондан, хотин-қизлар асрлар давомида шаклланиб келган миллий урф-одат ва қадриятларидан "озод" қилинган бўлса, иккинчи томондан кенг меҳнат қилиш имконияти тугилади. Совет Иттифоқи аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлганини қўлқўйиб, аёллардан яхши самара берадиган ишчи қўли сифатида фойдаланишга қарор қилади. Аёллар аввал хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва ўқитувчилик вазифаларини бажарган бўлсалар, кейинчалик улар қишлоқ хўжалиги ва оғир-енгил

Муаллиф:

28.12.2020 07:44 - Янгиланди 18.07.2024 12:43

---

саноатларга ҳам жалб килинадилар.

Шу билан бирга, миллий урф-одатлар ва кадриятлар эскилик саркити, жамиятдаги иллат деб бахоланиб, уларга карши уруш эълон килинди. Жойларда фаоллар иштирокида йигилишлар ўтказиб, кенг микёсда паранжи ташлаш операцияси олиб борилади. Советлар томонидан олиб борилган бундай бир томонлама сиёсат оқибатида минглаб оилалар ичида низо чиқади ва инсонлар онгида норозилик кайфияти кучаяди. Бу аввало, ўзини мусулмон ҳисоблаган халкнинг миллий гурур ва ифтихорига тегиш билан бирга, уни камситар ва оёқ ости қилар эди. Бунга далил сифатида шу йиллари сурхондарё вилоятида рўй берган бир воқеани эслаш қифоя:

Оддий ўзбек оиласидан чиққан Зарифа исмли аёл ҳамкишлоклари ва маҳаллий совет органларининг ташвиқоти таъсири остида паранжисини ташлайди ва кишлоқ клубида очилган саводхонлик тўғарагига қатнай бошлайди. Бундан каттик газабланган турмуш ўртоғи аёлини ўлдириб, кишлоқ кизил клубига ўт қўйиб юборади (Иброҳимов М. Туркистон тарихига бир назар. Т. : “Мовароуннахр”, 1996. Б. 34. ).

Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, аксарият аёллар бундай янги ҳаракатларга умуман қўшилмайдилар ва бундай ишларни ўзларига эп кўрмайдилар. Сабаби дин Туркистон аёллари ҳаётининг ажралмас қисмига айланган бўлиб, улар маиший турмушдаги ҳар қандай янгилик ва ўзгаришни динга карши чиқиш деб ҳисоблаганлар. XX асрнинг бошларида Тошкентда яшаган рус этнографи В. Алексеев маҳаллий халкнинг урф-одатларини ўрганиш жараёнида “Тошкент аёлларининг ҳаёти бутунлай диний қобикда экан”лигини алоҳида қайд қилиб ўтади. (Алексеев В. Сравнительная этнография народов Средней Азии. М. , 1986. С. 26.) Сўзининг исботи сифатида у мусулмонлар ҳаётида учрайдиган ҳар қандай маросимларга диний тус берилиши ва унда аёллар иштироки зарурий бўлишини келтиради. Масалан, тўй, аза, мавлуд, бешик тўйи, фотиҳа тўйи, хайит байрамлари каби маросимларни, асосан, аёллар ташкиллаштиради. Улар орасида етакчи бўлган аёл ўз қарорини барчага сингдиради. Бундай ҳолларда аёллар психологиясида дин, асосан, ўзи билан боғлиқ турли маросимларни асрлар давомида шаклланиб келган маросим ва анъаналарни тўғри ва аниқ таркибда ўтказишдан иборат бўлиб қолади. Баъзан иш шу даражага бориб етадики, бажарилиши лозим бўлган маросимда бирор камчилик ёки хато учраса, буни диндан ташқари, деб ҳисоблайдиган аёллар ҳам учрайди. Аслида, буларнинг соф илмий диндан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Этнографлар бундай ҳолатни “дин ва маиший ҳаётнинг ўзаро ҳаддан ташқари аралаштириб, нотўғри ва сунъий бўлган синкретик ҳолатнинг юзага келишида” деб ҳисоблайдилар. (Fletcher W. Soviet Believers: The Religions Sector of Population/ Lawrence. 1981. p.67.)

Тарихдан маълумки, 20 асрнинг бошларида жаҳоннинг бир қанча йирик давлатлари, Германия, Англия ва Россия Ўзбекистонни ўз сиёсий хариталарига қўшиб олиш ҳаракатида бўлганлар. Чор Россияси ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишда минтақадаги халкнинг миллий менталитетини ўзгартириш пайига тушади. Бундан махсус дастурлар ишлаб чиқарилади ва тезлик билан амалга оширила бошланади. Улардан бири хотин-қизларни миллий урф-одатлардан воз кечиш ва Европача турмуш тарзини сингдиришдан иборат эди. Оила жамиятнинг асосий бўлаги бўлганлиги сабабли ундаги ҳар бир ўзгариш бевосита жамият ва давлатга таъсир қилиши ҳам табиийдир. “Хужум”

Муаллиф:

28.12.2020 07:44 - Янгиланди 18.07.2024 12:43

---

компанияси эришган натижалардан сўнг Совет Иттифоки таркибига киритилган Ўзбекистонда аёлларни кенг ишлаб чиқаришга жалб қилиниш бошланади. Тез орада мамлакатда динга қарши кураш авжига чиқади. Миллий урф-одатлар ва анъаналар, ислом ва шариат ахкомлари эскилик саркити деб эълон қилинади.

Бундай янгиликларга қарши чиққан инсонларга эса қаттиқ жазо берилиб, улари жамият ва халқ душманлари деб эълон қилинадилар. Собик Иттифок даврида “Хотин-қизлар масаласи” тоталитар тузум мафкурасидан қелиб халқ этилган. Хукмрон коммунистик партия томонидан ок-кора схема эътироф этилади; шўро даврига қадар кечган хотин-қизларнинг қора ўтмиши ва шўролар давридаги бахтли-саодатли ҳаёти. Фақат партиягина хотин-қизларнинг фаровон ҳаётини таъминлаши ва ижтимоийлаштириши мумкин, деган ақида инсонлар онига сингдирилиб, уларнинг янгича турмуш тарзлари қатъиян белгилаб қўйилди. Коммунистик партия раҳбарлари минтақа халқлари асрлар давомида эътикод қилиб келган ислом динини ўзлари учун душман деб билиб, асосий эътиборни анъанавий турмуш тарзи ва мусулмон хотин-қизларнинг маиший ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратадилар. Худди шу нуқтайи назарга қўра хотин-қизларга бўлган қизиқиш ортди ва эски урф-одатларга қарши кураш бошланади. Бу курашда ҳар қандай қурбонлик эвазига бўлса-да, галабага эришиш мақсадга айланади. Янги тартибда ўтказилаётган ислохотлар қўп сонли эксцесслар билан бирга олиб борилаётгани ҳамда мамлакатнинг Европа қисмига қараганда қўпроқ драматик тус олгани икки ҳолатнинг бир-бири билан қоришгани билан изоҳланади; Шарқ хотин-қизларнинг Европаликларга нисбатан қўпроқ эзилиб, зулм-ситам қўрганликлари ва ижтимоий онининг бир томондан хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва ролига қарашлари ва муносабатининг қайта қўриб чиқишга ҳали тайёр эмаслиги; Янги ҳокимиятнинг буни истамаслиги; Мажбуран ва вақтинча бўлса-да анъанавийчилар билан муроСага қелишиш йўллари излаш.

Туркистон АССРда шўро ҳукуматининг дастлабки йиллариданок умумий қонунга қўшимча тарзда қалинни олиб ташлаш, никоҳ ёшини қайта қўриб чиқиш(қизлар учун 16 ёш, ўғил болалар учун 18 ёш), ёш қизларни турмушга узатиш ва қўп хотинлилик учун жазо қонунлари киритилди. (Муравьёва Н.М. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий макomini юксалтиришахри Т., 2004. Б.27.) Ўрта Осиёнинг бешта республикаларида хотин-қизларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари тўғрисида махсус ҳолат ушбу Конституциясига киритилган эди. Унда шундай дейилган: “Хотин-қизларни озод қилишнинг ушбу ҳолатига қаршилиқ қилиш (ёш қизларни турмушга бериш, қалин олиш, аёлларни қишлоқ хўжалиқ ишлари ва саноат ишлаб чиқаришга жалб этишларига қаршилиқ қўрсатиш, таълим олишига, давлат бошқаруви ва жамият сиёсий ҳаётида қатнашишларига қаршилиқ қўрсатиш) қонун томонидан манъ этилади”. (Тўхтаўжаев М. Коммунизм шиорлари ва ислом қонунлари оралигида. Т. 2002. б-106.)

Партия қўрсатмаларига мувофиқ, хотин-қизларнинг қамситилиш тажрибаси асосан ислом билан боғлиқ ҳолда олиб борилади, аслида эса, шариат ва одоб-ахлоқнинг айрим қоидалари аллақачон миллий менталитетнинг таркибий қисмига айланиб бўлган, бу анъаналар миллий хусусиятларга дахлдор эмас эди. Шўро Шарқида хотин-қизларни озод қилишнинг ижтимоий йўриғи қатор фаол ва оммавий тадбирлар сирасида амалга оширилди, дастлабки йилларда оммавий равишда паранжи ташлаш ва қиммат ёқиш

Муаллиф:

28.12.2020 07:44 - Янгиланди 18.07.2024 12:43

---

амалга оширилди. “Хужум”компанияси 1926-йилда бошланган бўлса, 1927-йил оммавий равишда паранжи ташлаш йили деб эълон қилинади. Бу ўта зиддиятли ва фожеаларга тўла курашлар ҳамда шахсий фожиаларга сабаб бўлган ушбу ҳаракатга хотин-қизларни озод қилишнинг умумпартия ва умум иттифок микёсидаги кураши рамзи деб қараш ҳам мумкин. Ушбу компаниянинг ўзи кўп ҳолларда сахнавий тарғибот-ташвиқот тусини олиб, вақти-вақти билан мазкур ҳаракат қатнашчиларига нисбатан адолатсизлик содир бўлар эди. (Сухопаров А. Советское мусульманство: между прошлым и будущим. Общественные науки и современность. Т., 1991. С.44.)

1919 йил июнида Туркистон МК компартияси қошида ишчи ва деҳқон хотин-қизлар бўлими тузилди, унинг шундай бўлимлари вилоят, шаҳар, уезд, район партия комитетларида ҳам ташкил қилинади. Уруш ва қийинчилик даврларига қарама-қарши, юзлаб фаоллар хотин-қизлар орасида кенг микёсидаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар. Хотин-қизлар бўлимлари паранжи ташлаш, аёлларнинг турмушларидан ажралишларини қўллаб-қувватлайдилар. Ҳокимият хотин-қизларни “озод қилишнинг” режалари ва ҳисоботларида шошилиб, паранжи ташлашни айнан қурултойлари очилиши, конференциялар ўтказилиши шўро даври байрамлари кунларига тўғри келади. Бу соҳада вазифа бажарилганини қиёқчи тарзда эълон қилиш муҳим эди. Масалан, 1927 йил 8 мартда биргина Ўзбекистоннинг ўзида (Тожикистон автоном республикасини қўшган ҳолда) 90 мингта хотин-қизлар паранжиларини ташлайдилар.

Ўзбекистонда юз мингга яқин хотин-қизларнинг паранжи-қачқон ташлаши (1926 йил охиридан 1927 йил май ойигача) ҳудди шу йўл билан амалга оширилади. Мана шу тадбир ўтказилгач, хотин-қизларга уларнинг эркин, бахтли ҳаёт йўлига чиқиб олганликлари уқтира бошланади. Анъана ва қадриятларга нисбатан бундай жўнгина ёндошув хотин-қизларнинг эрлари, қариндош-уруғлари ва урф-одатлар тарафдорлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилишига олиб келади.

Совет иттифоқи олиб борган мазкур кампания мусулмон оилаларида умум қабул қилинган пойдеворни бузиб ташлади ва мусулмон эркақлар, оила бошлиқларининг гурури ва нафсониятини ер билан битта қилиб, уларни таҳқирлади. Табиийки, бундай ҳолат оммавий равишда тушунмовчилик ва ўзаро зиддиятлар бўронини келтириб чиқаради. Паранжи-қачқонини ташлаб, асрий урф-одатларга қарши чиқишга журъат этган хотин-қизлар зўрлик қурбонига айланди; юзлаб хотин-қизлар ўлдирилди, қамситилди ва ҳўрланди. (Алимова Д.А. женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. Т.: Фан, 1991. С.71.)

Кечагина “Хужум”ҳаракатини сиёсий кампания сифатида баҳолаб, мусулмон Шарқи аёлларининг озод бўлиши ва келажакда гуллаб-яшнаб, олга интилишлари йўлида асосий роль ўйнаганини таъкидлаб қелган тарихчилар бугунга келиб мазкур ҳаракатни салбий томондан баҳолаб қелмоқдалар. Масалан, собиқ СССРда хотин-қизлар масаласини ҳал қилиш бўйича кўплаб мақолалар муаллифи, тарихчи Д. Алимова “Хужум” ҳаракати ҳақида шундай ёзади:

“Хужум” ҳаракатини олиб боришда ҳаддан ошиб кетиш ҳоллари қузатилган, маънавий қадриятлар ҳисобга олинмаган. Бунга оддий инсонлар ҳам тайёр эмас эдилар. Бир пайтнинг ўзида Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда аёллар ўртасида

Муаллиф:

28.12.2020 07:44 - Янгиланди 18.07.2024 12:43

---

атеистик ҳаракат ҳам бошланади. асрлар давомида маълум конун-қоидаларга бўйинсуниб яшаган мусулмон ўзбек аёллари эндиликда эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлдилар, улар социалистик жамият қуриш йўлида олға қадам ташлаб, меҳнат қилишлари зарур. Дин эса, бу йўлдаги монеълик ва эскилик сарқитидан бошқа нарса эмас, шунинг учун ҳам ундан иложи борича тезроқ воз кечиш керак, деган гоя илғари сурилади. Аммо хотин-қизлар орасида дахрийларни етиштириб чиқиш унчалик осон кечмайди. Сабаби аёллар эркакларга қараганда анъанавийликка, яъни традиционализмга кўпроқ мойил бўладилар. Тан олиш керакки, 20-йилларнинг охири 40-йилларнинг бошига қадар хотин-қизлар орасидан илғор замонавий кадрлар етишиб чиқади ва улар ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида самарали меҳнат фаолиятини олиб борадилар. Аммо улар гарчанд шароит мажбур қилганида, ўзларини дахрий деб тан олсалар-да, қундалиқ турмушга алоқадор ишларда анъанавий урф-одатлардан асло воз кечмайдилар. (Гордон-Полонская Л.Р. Зарубежный Восток: религиозные традиции и современность. М., 1983. С.83.)